

# «ROAD PROJECT EKSPERTIZA»

## Mas'uliyaticheklanganjamiyati

### № 09-сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри «18» Январь 2022 йил

Бундан кейин «Буюртмачи» деб аталувчи «TAXIATOSH YO'LLARDAN MUNTAZAM FOYDALANISH» МСНУ уставасосида иш юритувчи директори А.Б. Джаматов бир томондан, бундан кейин «Бажарувчи» деб аталувчи «ROAD PROJECT EKSPERTIZA» МСНУ буйруғи асосида иш юритувчи директори А.А. Ходжиматова иккинчи томондан ва келгусида «Томонлар» ўртасида куйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети ва баҳоси

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг топишириғига асосан шартноманинг иловасида келтирилган машина-механизм ва автотранспорт воситаларини ҳисоб-китобини экспертизадан ўтказиб, экспертиза хулосасини бериш, «Буюртмачи» эса хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг келишилган қиймат баҳоси иловага асосан ҚҚС билан 15 750 000,0 (Ўн беш миллион етюз эллик минг) сўмни ташкил этади.

1.3 Шартноманинг нархи томонларнинг ўзаро келишуви ва қўшимча шартлар асосида бажариладиган ишлар ҳажми ортганда ва турлари ўзгарганда шартноманинг суммаси қайта кўриб чиқилиши мумкин.

1.4 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиб олиш ўрнатилган тартибда «Томонлар» нинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланадиган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактуралар билан расмийлаштирилади.

### 2. Томонларнинг мажбурияти

#### 2.1. «Буюртмачи»:

- шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 100 фоиз олдиндан «Бажарувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишни;
- ушбу шартномага асосан келишилган муддатларда «Бажарувчи» га экспертизадан ўтказиш учун зарур бўлган бирламчи ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятларини олади.

#### 2.2. «Бажарувчи»:

- экспертизадан ўтказиш ишларини «Буюртмачи» томонидан барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 15 кун муддатда бажарилишини;
- бажарилган ишларни экспертиза хулосаси билан расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади.

2.3. Томонлар шартнома шартларини бажариш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.



### 3. Томонларнинг ҳуқуқлари

#### 3.1. “Буюртмачи”:

- “Бажарувчи”дан ишларни шартномада белгиланган муддатларда бажарилишини;
- экспертиза натижаларини тегишли экспертиза хулосаси шаклида расмийлаштирилишини;
- шартнома шартлари, асоссиз бажарилмаганда ёки кечиктирилганда неустойка тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 3.2. “Бажарувчи”:

- шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 100 фоиз олдиндан тўланишини;
- экспертизадан ўтказиш учун зарур бўлган бирламчи ҳужжатларни “Буюртмачи” томонидан тақдим этилишини;
- “Буюртмачи” томонидан шартнома шартлари асоссиз равишда бажарилмаганда ёки кечиктирилганда неустойка тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3.3. “Томонлар” шартнома шартларини бажаришда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. “Бажарувчи” мазкур шартномада назарда тутилган муддатда мажбуриятларни бажармаган тақдирда “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2. “Буюртмачи” бажариладиган ишлар ҳақини яъни шартномада кўрсатилган суммани ўз вақтида тўламаганлик учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.3. Пеняни тўлаш “Томонлар”ни шартнома бўйича мажбуриятдан озод қилмайди.

### 5. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

5.1. Агар шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, “Томонлар” шартнома мажбуриятларидан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.



## 6. Шартномани бекор қилиш

6.1. Мазкур шартнома:

- а) суднинг қарорига биноан;
- б) “Томонлар”нинг ўзаро келишувига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.3 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

6.4. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Шартнома бўйича келиб чиқадиган низолар, томонлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 8. Қўшимча шартлар

8.1. Ушбу шартнома расмийлаштирилгандан сўнг кучга кириши ва томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

8.2. “Томонлар”нинг юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда 5 кун ичида иккинчи томонга ёзма равишда маълум қилиши лозим.

8.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилди.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

Бажарувчи:

«ROAD PROJECT EKSPERTIZA»  
МСНJTошкент ш. Юнусобод тумани  
4-mavze, 53-uy, 2-xonadon  
X/R 20208000405412839001,  
“ИПОТЕКА БАНК” АТИБ Тошкент ш.  
Юнусобод фил.  
МФО: 00837ИНН 308 649 181

Директор \_\_\_\_\_ А.А.Ходжиматова

Буюртмачи:

“TAXIATOSH YO'LLARDAN  
MUNTAZAM FOYDALANISH” МСНJ



Директор \_\_\_\_\_ А.Б.Джаматов



2022 йил «18» январдаги

№09-сонли шартномага

Илова

**Машина-механизм ва автотранспорт воситаларини ҳисоб-китобини  
экспертизадан ўтказиб, экспертиза ҳулосасини бериш тўғрисидаги  
шартноманинг баҳоси бўйича**

**БАЁННОМА**

Биз қуйида имзо чекувчилар, “Буюртмачи” “ТАХИАТОШ  
YO’LLARDAN MUNTAZAM FOYDALANISH” МСНД Директор  
А.Б. Джаматов “Бажарувчи” номидан «ROAD PROJECT EKSPERTIZA»  
МСНД номидан директори А.А. Ходжиматовлар шуни тасдиқлаймики,  
қуйидаги жадвалда кўрсатилган объектлар бўйича лойиҳа-смета  
ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ишлари учун шартноманинг суммасини  
ҚҚС билан бирга жами 15 750 000,0 (Ўн беш миллион етюз эллик минг) сўм  
этиб белгиладик.



Мазкур баённома “Буюртмачи” билан “Бажарувчи” ўртасидаги 2022 йил  
«18» январдаги №09-сонли шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловларни  
амалга ошириш баҳоси ҳисобланади.

**Бажарувчи:**

**Буюртмачи:**

\_\_\_\_\_ А.А. Ходжиматова

\_\_\_\_\_ А.Б. Джаматов





**2022 йил «18» январдаги №09-сонли шартнома бўйича экспертиза  
хулосасини топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги**

**ДАЛОЛАТНОМА**

Тошкент ш.

“ ” \_\_\_\_\_ 2022 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар, Машина-механизм ва автотранспорт воситаларини ҳисоб-китобини экспертизадан ўтказиб, экспертиза хулосасини бериш тўғрисидаги 2022 йил «18» январдаги №09-сонли шартнома бўйича экспертиза хулосаси тайёрлиги тўғрисида туздик.

№	Ишларнинг номи	Смета баҳоси ҚҚС билан сўм.	Бажарилган		
			Ишбоши дан 2021 й га % сумма	Ишбоши дан 2021 й га % сумма	Ишбошидан 2021 й га % сумма
1	Машина-механизм ва автотранспорт воситаларини ҳисоб-китобини экспертизадан ўтказиб, экспертиза хулосасини бериш тўғрисида	15 750 000,0			
	<b>Шу жумладан ҚҚС (15%)</b>	2 054 347,8			
<b>Жами тулов учун</b>		<b>Ўн беш миллион ет юз эллик минг сўм</b>			

**“БАЖАРУВЧИ”**

**“БУЮРТМАЧИ”**

Директор \_\_\_\_\_ А.А.Ходжиматова

Директор \_\_\_\_\_ А.Б. Джаматов

“Буюртмачи”нинг масъул вакили

